

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА
МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ
УНИВЕРСИТЕТИ**



**ЎРТА МАХСУС, КАСБ-ХУНАР ТАЪЛИМИ
ТИЗИМИДА ИННОВАЦИОН ТЕХНОЛОГИЯЛАР**

ЎҚИТИШНИНГ ЛОЙИХАВИЙ ТЕХНОЛОГИЯСИ ТЎПЛАМИ

ТОШКЕНТ - 2013

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА
МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

ЎРТА МАХСУС, КАСБ-ҲУНАР ТАЪЛИМИ ТИЗИМИДА
ИННОВАЦИОН ТЕХНОЛОГИЯЛАР

ЎҚИТИШНИНГ ЛОЙИҲАВИЙ ТЕХНОЛОГИЯСИ ТЎПЛАМИ

ТОШКЕНТ - 2013

Тузувчилар: Ганиева М.А., Файзуллаева Д.М. Ўқитишнинг лойиҳавий технологияси тўплами. Методик қўлланма / Серия “Ўрта махсус, касб-хунар таълими тизимида инновацион технологиялар”. – Т.: ТДИУ, 2013. – 83 бет.

ТДИУ Илмий Кенгашининг 30 август 2013 йил 1-сон қарори билан нашрга тавсия этилди.

Ғоя муаллифи: иқтисод фанлари доктори, профессор Б.Ю.Ходиев

Тақризчилар:

ТДИУ академик лицей ва касб-хунар коллежлари билан ишлаш бўйича проректор, иқтисод фанлари номзоди, доцент И. Ахмедов.

ТДИУ “Иқтисодий педагогика” кафедраси мудирини, педагогика фанлари докторини, доцент М.К. Ҳақимова.

Ушбу нашр ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларидаги ўқитишнинг лойиҳавий технологияси бўйича методик қўлланмадир. Қўлланмада ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларидаги ўқитишнинг лойиҳавий технологиясидан намуналар келтирилган.

Қўлланма ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари ўқитувчилари ҳамда педагог кадрлар малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш тизими тингловчилари учун мўлжалланган.

МУНДАРИЖА

ЎЗ БОШИ.....	5
1-ҚИСМ. ЎҚУВ ЛОЙИХАСИГА КИРИШ.....	6
1. Ўқув лойиҳа: умумий тушунча.....	7
2. Лойиҳа тури ва унинг асосий белгилари.....	8
3. Лойиҳавий таълимга асосланган ўқув машғулотининг технологик эҳтимоли.....	9
4. Лойиҳали ўқитишнинг универсал технологик харитаси.....	11
5. Лойиҳали ўқитишнинг универсал баҳолаш мезони ва кўрсаткичлари.....	
2-ҚИСМ. ТРЕНИНГ ИШТИРОҚЧИЛАРИ ТОМОНИДАН ИШЛАБ ЧИҚАРИЛГАН ЎҚИТИШНИНГ ЛОЙИХАВИЙ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ.....	16
1. “Биология” фанидан ўқув лойиҳа: “Ўзбекистонда генетик инженерия ва биотехнология фан ютуқлари. Биотехнология селекцияси”.	
<i>Миробхўжаева Х., Ўзбекистон давлат консерваторияси ҳузуридаги ўқитишнинг қўлланма китоби.....</i>	17
2. “O‘zbekiston davlati va huquqi tarixi” fanidan o‘quv loyiha topshirig‘i: “Amir Temur davlatida boshqaruv tizimi”.	
<i>Zorajayeva D., Termiz iqtisodiyot kolleji.....</i>	30
3. “Органик кимё” фанидан ўқув лойиҳа топшириғи: “Углероддорларнинг табiiй манбалари”.	
<i>Маттиязаров Х.П., Хоразм вилояти.....</i>	34
2.4. “Bolalarda hamshiralik parvarishi” fanidan o‘quv loyiha: “Ovqat hazm qilish organ kasalliklari”.	
<i>Ulashev A., Ishtixon tibbiyot kolleji.....</i>	38
2.5. “Инглиз тили” фанидан ўқув лойиҳа топшириғи: “Буюк Британия халқининг маданияти”.	
<i>Абдулқосимова О.О., Тошкент молия ва иқтисодиёт коллежи.....</i>	42
2.6. “Soliq tizimi” fanidan o‘quv loyiha topshirig‘i: “Jismoniy shaxslardan	

olinadigan mahalliy soliq va yig'implarni hisob kitobi va undirish mexanizmini takomillashtirish".	
<i>To'rayeva M., Toshkent iqtisodiyot kolleji.....</i>	46
2.7.“Tovarshunoslik” fanidan o'quv loyiha topshirig'i: “Baliq va baliq mahsulotlarini avfzalliklari”.	
<i>Turabekov K.H., Yakkasaroy mayishiy xizmat korsatish kasb-xunar kollej.....</i>	51
2.8.“Информатика ва ахборот технологиялари” фанидан ўқув лойиҳа топшириғи: “Офис дастурларидан фойдаланиб касбий фаолиятга оид амалий масалаларни ечиш”.	
<i>Сиддиқова С.Ғ., Бухоро нефт ва газ саноати касб-хунар коллежи.....</i>	45
2.9. «Мактабгача таълим психологияси» фанидан ўқув лойиҳа топшириғи:“Касбим - фахрим”.	
<i>Қодирова Н.О., Қўқон енгил саноат ва педагогика касб-хунар коллежи.....</i>	59
2.10. “Рус тили ва адабиёти” фанидан ўқув лойиҳа топшириғи: “В гостях у обезьянки Манки”.	
<i>Ахмедова Ф., Урганч политехника ва компьютер технологиялари касб-хунар коллежи.....</i>	54
2.11. Информатика ва ахборот технологиялари фанидан ўқув лойиҳа топшириғи: “Гуруҳ сайтини яратиш”.	
<i>Бақиева З.Р., ТТУМ қoшидағи қoнидағи 2-сонли академик лицей.....</i>	66
2.12.“Шахс ва жамият” фанидан ўқув лойиҳа топшириғи:“Инсон ва жамиятнинг маънавий ҳаёти”.	
<i>Мустафаева М., Қосон иқтисодиёт ва педагогика коллежи, и.ф.и.....</i>	70
2.13.“Bank ishi” fanidan o'quv loyiha topshirig'i:“Bank – mijoz uchun”.	
<i>Babajanova D., Urganch ijtimoiy iqtisodiyot kasb-hunar koleji.....</i>	75
2.14. Мураббийлик соати учун ўқув лойиҳа топшириғи:“Хива – шарқ гавҳари”.	
<i>Шарипов Ғ.С., Қўнқўнпир қишлоқ хўжалик касб-хунар коллежи.....</i>	79

СЎЗ БОШИ

Бутун мамлакатимизда баркамол авлодни тарбиялаш, ўсиб келаётган фарзандларимизга замонавий технологиялардан фойдаланган ҳолда, таълим бериш борасида ижобий натижаларга эришиб келмоқда.

Истиқлол йилларида Президентимиз Ислоом Каримов ташаббуси билан мамлакатимиз таълим тизимида амалга оширилаётган ислохотлар ўзининг ёрқин самараларини берди. Шу билан бирга, эртанги кунимизни янада юксалтиришга мустаҳкам замин яратиш, биз бошлаган буюк ишларни давом эттиришга қурби-қудрати етарлиган, ҳеч кимдан кам бўлмасдан ҳаётга кириб келаётган етук ва баркамол, мустақил фикрлайдиган янги авлодни камол тоғтириш, бугун эркин фикрлайдиган, онгли яшайдиган, сиёсий, ҳуқуқий ва маънавий савияси тобора ўсиб бораётган, ўз келажагини, ким учун ва нима учун меҳнат қилаётганини ўзига аниқ тасаввур этаётган баркамол авлодни тарбиялашни лавр тақозо этади.

Таълим жараёнларини замонавийлаштириш жаҳон талабларига мос мутахассисларни тайёрлаш, таълим бериш жараёнида таълим олувчини ўз ортидан эргаштира олиш учун ўқитувчига қандай ёрдам бериш керак?

Бу борали Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 28 майдаги *“Малакали педагог кадрлар тайёрлаш ҳамда ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларини шундай кадрлар билан таъминлаш тизimini янада такомиллаштиришга оид чора-тадбирлар тўғрисида”*ги ПҚ-1761-сон қарори қабул қилиндики, унда академик лицейлар ва касб-хунар коллежлари педагог кадрларини замонавий ахборот-коммуникация воситаларини қўллаш асосида илгор педагогик технологияларни эгаллашлари учун тегишли шароитлар яратиш, уларда интерфаол таълим услубларини ўқув жараёнига жорий этиш бўйича тўпланган илгор тажрибаларини оммалаштиришни таъминлаш мақсадида *“Ўрта махсус, касб-хунар таълим муассаслари педагог кадрлари учун таълим жараёнига илгор педагогик ва ахборот коммуникация технологияларини жорий этиш”* мавзусида 2012 йил октябрь-декабрь ва 2013 йил июль-август ойларидан семинар-тренинглар ташкил этилди.

Тўпландаги ўқитишнинг лойиҳавий технологиялари мукамалликдан йироқдир, чунки ўқитувчилар ўқитишнинг лойиҳавий технологияларини яратиш бўйича илк қадам ташладилар.

Китоб икки қисмдан иборат бўлиб, биринчи қисм ўқитишнинг лойиҳавий технологияси ҳақида умумий тушунчаларни ўз ичига олса, иккинчи қисм эса тренинг иштирокчилари томонидан ишлаб чиқилган ўқув машгулотларида ўқитишнинг лойиҳавий технология ва топшириқлари тақдим этилган.

Ушбу тўпланда семинар тренинглар натижаси сифатида, замонавий ўқитиш воситаларининг ўқитишнинг лойиҳавий технологияларидан энг яхши ишланмалар тақдим этилди. Мазкур қўлланма лойиҳавий ўқитиш тажрибасини амалий жиҳатдан ўзлаштиришни мақсад қилганлар учун асосий методик қўрсатма ҳисобланади.



I-ҚИСМ. ЎҚУВ ЛОЙИХАСИГА КИРИШ

1.1. Ўқув лойиҳа: умумий тушунча.

1.2. Лойиҳа тури ва унинг асосий белгилари.

1.3. Лойиҳавий таълимга асосланган ўқув
машғулотининг технологик чизмаси.

1.4. Лойиҳали ўқитишнинг универсал технологик
харитаси.

1.1.Ўқув лойиҳа: умумий тушунча

Мутахассислик бўйича ишларни бажариш учун ўзлаштирилган зарур билимлар, ўқув ва кўникмалар ҳамда касбий ҳамжамиятлар доирасига мослашни ва самарали фаолият юритиш учун зарур универсал - таянч лаёқат, маданиятлар ва тармоқлараро билим, ўқув ва қобилиятлар замонавий таълимнинг натижаси бўлиши лозимлиги жаҳон ҳамжамияти томонидан тан олинган. Мувофиқ тарзда бу вазифаларни ҳал этишни таъминловчи педагогик технологияларни ишлаб чиқиш ва қўллаш долзарб аҳамиятга эга бўлмоқда. Айван, лойиҳавий таълим технологияси шулар жумласига киради.

Бугунги давр талабларидан келиб чиққан ҳолда лойиҳавий таълим кўйидаги таълим муаммоларини ҳал этишга ёрдам беради:

- таълимни реал ҳаёт билан амалий боғлайди;
- назарий маълумотларни амалий фаолият билан боғлаб, ўқувчиларни муستакил ишлашга жалб этади;
- касбий ва таянч лаёқатларини шакллантиради ва ривожлантиради.

Лойиҳа (project) – тушунчаси кенгрок ифодаланиб, маълум натижа (лоийҳанинг бекиёс маҳсули)га эга мақсадли фаолиятни ташкил этиш учун бирор-бир танкилий шаклни белгилаш учун фойдаланилади

“Ўқув лойиҳаси” тушунчаси

- муайян истеъмолчиға мўлжалланган, муаммоларни излаш, тадқиқ қилиш ва ечиш, натижани ноёб (моддий ёки интеллеқтуал) маҳсулот кўринишида расмийлаштиришға қаратилган. талабларнинг мустакил ўқув фаолиятини ташкил қилиш усули;
- назарий билимлар орқали амалий вазифаларни ечишға қаратилган ўқув восита ва қуроллари;
- ривожлантирувчи, таълим ва тарбия ҳамда билимларни кенгайтириш, чуқурлаштириш ва малақаларни шакллантиришға қаратилган дидактик восита.

Ўқитишнинг лойиҳавий технологияси – лойиҳалаштириш, режалаштириш ва амалға ошириш жараёни, ўқитувчининг юқори малақаға эғалиги кўрсаткичидир. Шунинг учун ҳам бу технология XXI аср технологияси ҳисобланади

Таълимда лойиҳалаштириш ўқитувчи томонидан ўқувчининг муаммони излаш, уни ҳал этиш бўйича фаолиятни режалаштириш ва ташкил этишдан то интеллеқтуал ёки оддий маҳсулотни оммавий баҳолаш учун уни ҳал этиш усулини тақдим этишгача мустакил ҳаракат қилишнинг таъминловчи маҳсул (лаборатория шароитларида) ташкил этилган мақсадли ўқув фаолиятидир.

1.2. Лойиҳа тури ва унинг асосий белгилари

Лойиҳанинг асосий белгилари	Лойиҳа тури
<i>Фан жиҳатидан мазмунли соҳа</i>	
Бир фан доирасида, баъзан бошқа фандан билимларни жалб этиш орқали	Ягона лойиҳа
Бир неча билимлар соҳасига тааллуқли бўлган	Фанлараро
<i>Лойиҳа миқёси</i>	
Лойиҳанинг ҳажми	Кичик, ўрта, йирик
Иштирокчилар сони	Якка, гуруҳ бўлиб
<i>Амалга ошириш даврининг изчиллиги</i>	
1-2 ҳафта давомида ишлаб чиқилади	Қисқа муддатли
Бир ой давомида ишлаб чиқилади	Ўрта муддатли
Бир ойдан кўпроқ вақтда ишлаб чиқилади	Узоқ муддатли
<i>Ўқув режасига киритилганлиги</i>	
Лойиҳа устида аудиториядан ташқари мустақил ишлаш фани ўрганиш якунида, унинг натижалари тақдими ва баҳоланиши – якуний семинар/амалий, лаборатория машғулотларида режалаштирилади. Якуний назорат доирасида баҳоланиши мумкин	Якуний
Ўқув курсидан таълим бериш мазмунининг бир қисми аудиториядан ташқари лойиҳавий мустақил ишга ажратилади (дарс мавзуси, бўлим). Натижалар мазкур ўқиш даврига режалаштирилган семинар/амалий/лаборатория машғулотларида тақдим этилади	Оралик
Аудиториядан ташқари мустақил фаолият доирасида ҳажми бўйича катта ўқув бўлими ёки бутун курс давомида бажариш режалаштирилади. Оралик натижалар семинар/амалий/лаборатория машғулотларида тақдим этилади ва баҳоланади	Очик (бевосита)

1.3. Лойиҳавий таълимга асосланган ўқув машғулотининг технологик чизмаси

1-тайёргарлик босқичи: аудитория иши

Таълим берувчи

Таълим олувчи

1. Ўқув лойиҳага қўйилган талаблар:

- муаммоли вазият баён қилинади (Лойиҳага киришга қаранг);
- асосий муаммо ва лойиҳавий фаолиятнинг мақсади жамоавий тарзда шакллантирилади. Унинг натижаси ва маҳсулоти аниқланади

2. Лойиҳавий топшириқлар тарқатилади. Индивидуал тарзда ўқув топшириқлар ўрганилади

3. 5 ва 6 кишидан иборат лойиҳавий кичик гуруҳлар ташкил этилади

4. Уларга йўриқнома берилади:

- гуруҳларда ишлаш қоидаси билан таништирилади;
- ўқув лойиҳасининг алгоритм кетма-кетликда бажариш бўйича қайтар алоқа ташкил этилади (2-3 гуруҳларда);
- иш натижаларининг тузилмасига эътибор қаратилади

1. Гуруҳларга бирлашилади. Мавзунини танлаш ҳақида умумий қарорни муҳокама этилади ва қабул қилинади

2. Лойиҳа топшириғи билан танишилади

3. Лойиҳа устида ишлаш шаклини танлашади

4. Лойиҳа фаолиятини гуруҳлардаги ишни ташкил этилади: лойиҳани бажариш йўналишлари ва босқичларини белгилашади, гуруҳ аъзолари ўртасидаги функцияларни тақсимлашади, ҳамкорлик шакллари белгилашади, лойиҳа вазифаларини бажариш, унинг натижаларини ифodalаш ва тақдимот усуллари ва воситаларини танлашади. Лойиҳа ишларининг ишчи режасини вазифалар, уларни бажариш муддатлари, тайёр маҳсулот турини ва масъулларни кўрсатиб тузилади

2-изро босқичи: аудиториядан ташқари иши

5. Маслаҳат беради, гуруҳлар ишини мувофиқлаштиради, улар фаолиятини рағбатлантиради, кузатади, ахборот манбаларини излашда ёрдам беради, ўзи ахборот манбаи бўлади, лойиҳа ишлари мониторинги ва назоратини амалга оширади

5. Индивидуал вазифаларга биноан ишларни бажаришади. Фаол ва мустақил ишлашади, ҳар қим ўз вазифасига мувофиқ ва биргаликда:

- турли манбалардан ахборот йиғишади, таҳлил этишади ва умумлаштиришади;
- тадқиқотлар ўтказишади, ҳисоб-китобларни бажаришади;
- заруратга қараб маслаҳатлашишади;
- оралиқ натижаларни муҳокама қилишади;
- ҳамма олинган натижаларнинг умумий йиғилиши ва муҳокамасини ўтказишади;
- лойиҳа маҳсулотини ифдалашади;
- ҳисобот тузишади;
- лойиҳадаги ютуқларнинг ўзини-ўзи баҳолаш анкеталарини тўлдиришади;
- лойиҳа иши натижалари тақдимотини расмийлаштиришади

3-яқунловчи босқичи: аудитория иши

6. Лойиҳавий таълимнинг гуруҳдаги иши ташкил этилади

7. Тақдимотларнинг бошланиши қурра ташлаш орқали кетма-кет эълон қилинади

7. Гуруҳлар ўз иши натижалари ҳақида маъруза қилади ва уларни белгиланган шаклда тақдим этади.

8. Ишни яқунлаш. Гуруҳларнинг ўзаро баҳоси.

1.4.. Лойиҳали ўқитишнинг универсал технологик харитаси

Таълим шакли. Иш босқичи	Фаолият	
	ўқитувчи	ўқувчи
<i>Биринчи ўқув машғулоти: тайёргарлик босқичи</i>		
1. Ўқув машғулотига кириш	Машғулот мавзуси ва мақсадини айтади, ўқувчиларга қўйиладиган ўқув натижалар маълум қилади; ўқув машғулотидаги иш тартиби ва хусусиятлари, ўқув натижаларини баҳолаш кўрсаткичлари ва мезонлари билан таништиради	
2. Асосий босқич	<p>Лойиҳа фаолияти мазмуни ва унинг бўлиғи мутахассиснинг асосий вазифаларини шакллантиришга таъсири билан таништиради. Ўқувчиларнинг лойиҳа мавзуси бўйича билимларини долзарблаштиради: блиц-сўровнома ўтказиладиган ёки савол-жавобли шаклни қўллаб берилади. Мавзуларни тақдир қилади, лойиҳалар мазмуни ҳақида хикоя қилади, улар доираларини ифода қилади, ишлар турларини айтади, уларнинг натижаларини маълум қилади. Гуруҳларга бириктириш ва лойиҳа мавзусини танлашни тақдир қилади</p> <p>Сўхбат орқали муаммони ўртага қўяди: муаммони вазиятни баён қилади ва ўқувчиларни зиддиятларни аниқлаш ҳамда уларни ҳал қилиш зарурлигини билишга, муаммони ва лойиҳа мавзусини ифода қилишга ундайдиган саволлар қўяди. Ўқувчиларнинг лойиҳа мақсади ва унинг вазифаларини ифода қилиш бўйича мунозара ёки фикрий ҳужум уюштиради. Унинг қўйиладиган натижаси – мақсулот ва унинг тахминий фойдаланувчиларини ифода қилади. Баҳолаш мезонлари билан таништиради.</p>	<p>Гуруҳларга бириктирилади.</p> <p>Мавзунини танлаш ҳақида умумий қарорни муҳокама этилади ва қабул қилинади</p> <p>Саволларга жавоб берилади; зиддиятни аниқлашади, уларни ҳал қилиш зарурлигини билишади; муаммони ва лойиҳа мавзусини ифода қилишади</p> <p>Лойиҳа мақсади ва унинг вазифаларини ифода қилишади.</p>

3. Якунловчи баҳолаш босқичи	Лойиха топшириги устидаги ишнинг асосий натижаларини белгилаш ва лойиха фаолиятини режалаштириш бўйича хулоса чиқаради. Ўқувчилар эътиборини лойиха ишлари мазмунига ва лойиханинг ижро босқичида уларни бажариш графигига қаратади. Саволларга жавоб беради	Саволлар беришади
<i>Аудиториядан ташиқари иши: ижро босқичи</i>		
<p>1. Лойиханинг бажарилиши.</p> <p>2. Натижаларнинг ифодаланиши.</p> <p>3. Ҳисобот тузилиши.</p> <p>4. Такдимот тайёрланиши</p>	<p>Маслаҳат беради, гуруҳлар ишнини мувофиқлаштиради, улар фаолиятини рағбатлантиради, кузатади, ахборот манбаларини излашда ёрдам беради, ўзи ахборот манбаи бўлади, лойиха ишлари мониторинги ва назоратини амалга оширади</p>	<p>Индивидуал вазифаларга биноан ишларни бажаришади. Фаол ва мустақил ишлашади, ҳар ким ўз вазифасига мувофиқ ва биргаликда:</p> <ul style="list-style-type: none"> - турли манбалардан ахборот йиғишади, таҳлил этишади ва умумлаштиришади; - тадқиқотлар ўтказишади, ҳисоб-китобларни бажаришади; - заруратга қараб маслаҳатлашишади; - оралик натижаларни муҳокама қилишади; <p>Ҳамма олинган натижаларнинг умумий йиғилиши ва муҳокамасини ўтказишади. Лойиха маҳсулотини ифодалашади. Ҳисобот тузишади. Лойихадаги ютуқларнинг ўзини-ўзи баҳолаш анкеталарини тўлдиришади. Лойиха иши натижалари такдимотини</p>

<p>Лойиҳа топширигини кўяди. Ўқувчиларнинг унинг билан танишиши ва тушунишини уюштиради. Ахборот манбалари, уни йиғиш ва таҳлил этиш усулларини тавсия қилади. Лойиҳа фаолияти натижалари ва умуман жараёнини баҳолаш русумлари ва мезонлари билан таништиради</p>	<p>Лойиҳа топшириги билан танишишади.</p> <p>Саволлар беришади</p>
<p>Ўқувчиларнинг лойиҳа устида ишлаш шаклини танлашини ташкил қилади. Лойиҳа гуруҳлари шакллантиришини уюштиради</p>	<p>Лойиҳа устида ишлаш шаклини танлашади.</p> <p>Гуруҳларга бирлашишади</p>
<p>Гуруҳ иши учун топшириқ беради, гуруҳда ишлаш қондаларини эслатади:</p> <ul style="list-style-type: none"> - лойиҳадаги вазифалар ва фаолият турларини ажратиш, уларни қатнашчилар ўртасида тақсимлаш (гуруҳли лойиҳада); - лойиҳа фаолияти алгоритминини ишлаб чиқиш; - лойиҳа вазифаларини бажариш, унинг натижаларини ифодалаш ва тақдимот усуллари ва воситаларини танлаш; - ишчи режасини тузиш 	<p>Лойиҳа фаолиятини лойиҳалантириш ва режалаштириш бўйича гуруҳлардаги ишни ташкил этишади; лойиҳани бажариш йўналишлари ва босқичларини белгилашади, гуруҳ аъзолари ўртасидаги функцияларни тақсимлашади, ҳамкорлик шаклларини белгилашади, лойиҳа вазифаларини бажариш, унинг натижаларини ифодалаш ва тақдимот усуллари ва воситаларини танлашади.</p> <p>Лойиҳа ишларининг ишчи режасини вазифалар, уларни бажариш муддатлари, тайёр маҳсулот турини ва масъулларни кўрсатиб тузишади</p>

3. Якуловчи баҳолаш босқичи	Лойиха топшириги устидаги ишнинг асосий натижаларини белгилаш ва лойиха фаолиятини режалаштириш бўйича хулоса чиқаради. Ўқувчилар эътиборини лойиха ишлари мазмунига ва лойиханинг ижро босқичида уларни бажариш графигига қаратади. Саволларга жавоб беради	Саволлар беришади
<i>Аудиториядан таниқари иш: ижро босқичи</i>		
<p>1. Лойиханинг бажарилиши.</p> <p>2. Натижаларнинг ифодаланishi.</p> <p>3. Ҳисобот тузилиши.</p> <p>4. Такдимот тайёрланиши</p>	<p>Маслаҳат беради, гуруҳлар ишини мувофиқлаштиради, улар фаолиятини рағбатлантиради, кузатади, ахборот манбаларини излашда ёрдам беради, ўзи ахборот манбаи бўлади, лойиха ишлари мониторинги ва назоратини амалга оширади</p>	<p>Индивидуал вазифаларга биноан ишларни бажаришади. Фаол ва мустақил ишлашади, ҳар ким ўз вазифасига мувофиқ ва биргаликда:</p> <ul style="list-style-type: none"> - турли манбалардан ахборот йиғишади, таҳлил этишади ва умумлаштиришади; - тадқиқотлар ўтказишади, ҳисоб-китобларни бажаришади; - заруратга қараб маслаҳатлашишади; - оралик натижаларни муҳокама қилишади; <p>Ҳамма олинган натижаларнинг умумий йиғилиши ва муҳокамасини ўтказишади. Лойиха маҳсулотини ифодалашади. Ҳисобот тузишади. Лойихадаги ютуқларнинг ўзини-ўзи баҳолаш анкеталарини тўлдиришади. Лойиха иши натижалари такдимотини</p>

		расмийлаштиришади
<i>Иккинчи ўқув машғулотини: яқунловчи босқич</i>		
1. Ўқув машғулотига кириш	Лойиҳалар тақдимотига кўрсатма беради: гуруҳларнинг бажарилган лойиҳаларни тақдим этиши регламенти ва изчиллигини белгилайди. Баҳолаш мезонлари ва кўрсаткичларини эслатади. Ўзаро баҳолаш жадвалларини таркатади	
2. Асосий босқич	<p>Тақдимот бошланишини эълон қилади. Хар бир гуруҳ тақдимоти яқунлари бўйича:</p> <ul style="list-style-type: none"> - мазмунни бўйича аниқловчи саволлар ва хар бир катнашчининг роли хақида аниқ мақсадга қаратилган саволлар беради; - курсдошлар саволларига жавоблар вақтида қувватлайди ва рағбатлантиради <p>Гуруҳларнинг лойиҳа тақдимоти муҳокамаси ва ўзаро баҳолашнинг уюштиради</p>	<p>Гуруҳлар ўз ишини натижалари хақида маъруза қилади ва уларни белгиланган шаклда тақдим этади. Саволларга жавоб беришади</p> <p>Жамоа бўлиб муҳокама қилиш орқали: тақдимот, олинган махсулот, лойиҳа фаолияти натижаларини баҳолашади</p>
	Ўқувчилар билан бирга лойиҳа устидаги иш жараёни ва яқунларини муҳокама қилади, нотикларни рағбатлантиради, ўз мулоҳазаларини назокат билан билдиради, агар зарур бўлса, айрим ўқувчиларнинг ютуқлари ва хатолари хақида ўз фикрини индивидуал билдиради	
3. Яқунловчи баҳолаш босқичи	<p>Лойиҳа фаолиятининг асосий натижаларини аниқлаш бўйича хулоса чиқаради. Бажарилган ишнинг бўлгуси профессионал фаолият учун муҳимлигига эътиборни қаратади. Гуруҳлар фаолияти, лойиҳа топшириги устидаги индивидуал иш натижаларига баҳо беради. Ўзаро баҳолашга яқун ясайди. Лойиҳа ва лойиҳали таълим мақсадига эришиш даражасини таҳлил этади ва баҳолайди. Саволларга жавоб беради</p>	<p>Натижалар, жараёни, ўзининг ундаги иштирокчини бошқалар баҳоларини ҳисобга олиб ўзи баҳолайди</p>

1.5. Лойиҳали ўқитишнинг универсал баҳолаш мезони ва кўрсаткичлари

Гуруҳли лойиҳада қуйидагилар баҳоланади:

- Лойиҳа маҳсули- Маълумотнома (энг юкори 10 балл);
- ҳисобот (энг юкори 5 балл);
- лойиҳа тақдироти (энг юкори 5 балл)


8-10 балл – “аъло”

6- 8 балл – “яхши”

4- 6 балл – “кониқарли”

0 -4 балл – “кониқарсиз”

**II-қисм. Тренинг иштирокчилари
томонидан ишлаб чиқилган ўқитишнинг
лойиҳавий технологиялари**



“Биология” фанидан ўқув лойиҳа: “Ўзбекистонда генетик инженерия ва биотехнология фан ютуқлари. Биотехнология келажакда”.

*Офтобхўжаева Х., Ўзбекистон давлат консерваторияси хузуридаги
иктидорли болалар академик лицей*

ПЕДАГОГИК АННОТАЦИЯ

Фанининг номи: «Биология».

Мазмунинг номи: “Ўзбекистонда генетик инженерия ва биотехнология фан ютуқлари. Биотехнологиянинг келажакда ҳақида”.

Нигтирокчилар: 1-курс ўқувчилари учун “санъат” йўналиши.

Ўқитишнинг мақсади: ген ва хужайра инженериясига асосланган биотехнология, Ўзбекистонда генетик инженерия ва биотехнология соҳасида қилинётган тадқиқотлар, олинган натижалар ва биотехнологиянинг келажакда юзасидан ўқув материал бўйича олган билимларни чуқурлаштириш ҳамда кўникма ва малакаларини шакллантириш.

Режалаштирилатган ўқув натижалари: ген ва хужайра инженериясига асосланган биотехнологиянинг мақсад ва вазифаларини англаб етади, ирсий белгиларни ўзгаришидан фойдаланиб ирсиятни режали ўзгартириш усуларини билиб олади ва Ўзбекистонда биотехнология соҳасида қилинётган тадқиқотлар, олинган натижалар билан танишади, унинг ўзига хос жиҳатларини ажратиш кўникма ва малакаларига эга бўлади.

Лойиҳалаштириш фаолияти бўйича қуйидаги амалий кўникмаларга эга бўлади: муаммони шакллантириш ва вазифаларни аниқлаш; вазифаларни амалга оширишдаги усулларни танлаш ва улардан фойдаланиш; ўз фаолиятини режалаштириш; маълумот манбаларини аниқлаш, тизимга келтириш ва таҳлил этиш; натижаларни талаб даражасида расмийлаштириш ва керакли кўринишда тақдим этиш.

Лойиҳанинг турлиниш белгиларига қўра тавсифномаси: тури амалий йўналтирилган предмет ва мазмун жиҳатдан қўлаги: биология дарсларида, табиий билим асослари фанида фойдаланиш мумкин бўлган фанлараро лойиҳа.

Лойиҳани бажариш тартиби: ўқувчиларнинг аудиториядан ташқари мустақил фаолиятларида бажарилади, амалий машғулотда тақдим этиб борилади. Лойиҳа маҳсули семестр охирида, ўқувчилар ва педагог ўртасида белгиланган кунда амалга оширилади.

ЎҚУВ ЛОЙИҲА: “ЎЗБЕКИСТОНДА ГЕНЕТИК ИНЖЕНЕРИЯ ВА БИОТЕХНОЛОГИЯ ФАН ЮТУҚЛАРИ. БИОТЕХНОЛОГИЯНИНГ КЕЛАЖАГИ ҲАҚИДА”

I. Лойиҳа топшириғи

Кириш. Бугунги кунда саноат ва транспортнинг ривожланиши, қишлоқ хўжалигида жуда кўп микродаро захарли моддаларни ишлатилиши табиатни эволюция давомида учрамаган миллионлаб антигенлар билан ифлосланишига

олиб келди. Эволюцион тараккиёт давомида ортирилган иммун система бу кадар юкори антиген босимга кўп холларда жавоб бера олмайди, шу туфайли одамзот биотехнологик жараёнлар асосида сунъий шароитда антигено молекулалари синтез қилиш йўллариини излаб топмокда. Ёки инсон эхтиёжларининг ортиб бориши билан боғлиқ бўлган муаммоларни олайик, муаммони ечиш учун классик технологияларнинг қуввати етишмаслиги натижасида эхтиёжларни қондириш учун саноат кўламида антибиотиклар, аминокислоталар, витаминлар, гармонлар, наслдор қорамол клонлари, ўсимлик навлари, ирсий касалликлар диагностикаси ва ниҳоят ўзгарган генларни тузатиш каби муаммоларни бартараф этиш вазифаси ген ва хужайра инженериясига асосланган биотехнология зиммасидадир. Муस्ताқилликнинг дастлабки кунлариданок мамлакатимизда бу масалага қатта ва узлуксиз эътибор бериб келинмокда. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов ташаббуси билан Фанлар академияси таркибида Генетика институтининг ташкил топиши, Хукумат қарори билан ген инженериясининг таракқиётини белгиловчи “Генинмар” илмий дастурининг тасдиқланиши, Фан ва техника Давлат кўмитаси ва ЎзРФА биргаликда ген инженерлиги маркази “Генинмар” Марказининг ташкил этилиши биотехнология соҳасида сезиларли ишлар қилинаётганлигининг ифодасидир.

Бинобирин шундай экан ўқувчи ёшлар биотехнология соҳасида амалга оширилаётган кашфиётлардан хабардор бўлишлари билан бирга биотехнологиянинг ривожланишида иштирок этишлари ва она Ватанимизнинг дунё фанида тутган ўрнини юксак ривожланган мамлакатлар эришган даражасига кўтара оладиган бўлишлари зарур.

Бундай фуқарони тарбиялаш замон, таракқиётимиз талаби. Бунга қандай эришиш мумкин? Бугунги кунда хужайра ва генетик инженерия инсон ақла-заковат мўъжизаси эканлиги ҳамда замонавий биотехнология тўғрисидаги тушунчаларни кенг оммага етказиш зарурати туғилмокда ва талайгина кийинчиликларни келтириб чиқармокда.

Лойиха доирасида ечилиши керак бўлган муаммо: Ўзбекистонда хужайра ва ген инженерияси соҳасида қилинаётган кашфиётлар ва биотехнология фан ютуқлари юзасидан ахборотларни қамлиги, йиғишдаги кийинчиликлар ва унинг ечими.

Лойиханинг мақсади (нима учун яратилапти) Ўзбекистонда хужайра ва ген инженерияси соҳасида қилинаётган кашфиётлар ва биотехнология фан ютуқлари юзасидан ахборот йиғиш ва биология дарсларида кўшимча маълумот сифатида қўллаш.

Яқиний натижа: Ўзбекистонда хужайра ва ген инженерияси соҳасида қилинаётган кашфиётлар ва биотехнология фан ютуқлари тўғрисида қисқа ва тузилмавий маълумотни ўз ичига олувчи маълумотнома.

Лойихадан фойдаланувчилар: ўқувчи-ёшлар ва кенг омма учун мўлжалланган.

Лойиха доираси:

- Бажарилиш муддати: семестр давомида (яқуний назоратдан олдин тақдимот килинади), лойиҳа қисмлари белгиланган график асосида;
- Иштирокчилар сони: гуруҳ ўқувчилари 4-5та ишчи гуруҳга бўлиниб, ҳар бир ишчи гуруҳда 5 тагача иштирокчи бўлиши мумкин.

Лойиҳа гуруҳи иштирокчиларининг вазифалари ва фаолият турлари:

1. Ахборотларни йиғиш: қуйидаги мавзулар бўйича:

- замонавий биотехнология ҳозирги кунда Ўзбекистонда.
- биотехнология кўп соҳали фан:
- агрономия ген инженерияси;
- тиббиёт ген инженерияси;
- ветеринария ген инженерияси;
- экологияни асровчи трансген ўсимлик олиш биотехнологияси;
- вакцина ишлаб чиқариш биотехнологияси;
- ядро кўчириб ўтказиш биотехнологияси;
- гибридима олиш биотехнологияси.

2. Маълумотномани расмийлаштириш.

3. Лойиҳа фаолияти натижалари тўғрисида ҳисобот тайёрлаш.

4. Лойиҳа фаолияти натижалари тўғрисида кўргазмани оғзаки тақдимотни тайёрлаш.

II. Лойиҳа топширигини бажариш бўйича ўқувчилар учун услубий кўрсатмалар

Лойиҳа фаолиятини босқичма-босқич бажариш учун йўриқнома

- Гуруҳ сардорини танланг.
- Диккат билан лойиҳа топшириги билан танишинг.
- Маълумотнома тузилишини аниқланг.
- Иштирокчилар ўртасида лойиҳани ишлаб чиқиш бўйича ҳамда уни расмийлаштириш, тақдимотга ва ҳисоботга тайрлаш бўйича вазифалар ва фаолият турларини тақсимланг.

5. Иш режасини тузинг.

Лойиҳани бажариш бўйича иш режаси

Иштирокчилар Ф.И	Вазифа, фаолият тури	Иш мазмуни	Тайёр маҳсул тури	Бажариш муддати

6. Ахборот манбаларини аниқланг, ахборотни йиғинг вап уни матн, жадвал, чизма ҳамда шарҳлаш кўринишида расмийлаштиринг (Диккат! Ушбу вазифани барча гуруҳ иштирокчилари бажаради.)

7. Натижаларни маълумотнома кўринишида материалларни расмийлаштиринг. (1-ўқувчи)

8. Ҳисоботни тайёрлаш йўриқномаси бўйича, ҳисоботни тайёрланг. (2-ўқувчи)

9. Лойиҳани microsoft Power Point бўйича тайёрлаш йўриқномасидан фойдаланиб, тақдимотга тайёрланг. (2-ўқувчи)

10. Лойиҳада тақдимотида гуруҳ аъзолари ўртасидаги вазифаларни аниқланг. Огзаки тақдимотга тайёргарлик вақтида унинг қондаларига риоя қилинг, огзаки тақдимот сирларини эсдан чиқарманг.

Тавсия этиладиган “Ўзбекистонда генетик инженерия ва биотехнология фан ютуқлари. Биотехнологиянинг келажати хақида” мавзусидаги маълумотнома тузилиши

1. Титул варағи.
2. Аннотация.
3. Кириш – маълумотли ахборотнинг моҳияти ва вазифаси очиб берилди.
 - замонавий биотехнология ҳозирги кунда Ўзбекистонда.
 - биотехнология кўп соҳали фан:
 - агрономия ген инженерияси;
 - тиббиёт ген инженерияси;
 - ветеринария ген инженерияси;
 - экологияни асровчи трансген ўсимлик олиш биотехнологияси;
 - вакцина ишлаб чиқариш биотехнологияси;
 - ядро кўчириб ўтказиш биотехнологияси;
 - гибридому олиш биотехнологияси.
4. Фойдаланилган манбалар рўйхати.

Лойиҳа иши тўғрисида ҳисобот тузилиши

1. Титул варағи
 - Лойиҳани долзарблиғи
 - Лойиҳа доирасида ўз ечимини топувчи, муаммо, лойиҳа мақсади, яқуний натижа, фойдаланувчилар.
 - Лойиҳанинг иш режасини (жадвал) баён этинг.
 - Бажарувчиларни кўрсатган ҳолда маълумотнома тузилишини қисқа баёни.
 - Лойиҳа устида ишлаш жараёни: ишнинг натижавийлиғи, қийинчиликлар ва уни енгиб ўтиш йўлларини ва лойиҳа сифатини баҳолаш.

Визуал тақдимот тузилиши

1. Лойиҳа мавзуси. Бажарувчилар.
2. Лойиҳанинг долзарблиғи
3. Лойиҳа доирасида ўз ечимини топувчи, муаммо, лойиҳа мақсади, яқуний натижа, фойдаланувчилар.
4. Лойиҳанинг иш режасини (жадвал) баён этинг.
5. Лойиҳа маъсули: маълумотнома
 - титул варағи
 - аннотация
 - мундарижа
6. Лойиҳа сифатини, лойиҳа устида ишлаш жараёни: ишнинг натижавийлиғи, қийинчиликлар ва уни енгиб ўтиш йўлларини баҳолаш.

II-мавзу	Биотехнология ҳақида тушунча. Ген ва хужайра инженериясига асосланган биотехнология. Ўзбекистонда генетик инженерия ва биотехнология соҳасида қилинаётган тадқиқотлар ва олинган натижалар. Биотехнологиянинг келажаги ҳақида
----------	---

11.1. Ўқув машғулотининг ўқитиш технологияси модели

<i>Ўқувчилар сон:</i> 30	<i>Вақти:</i> 2 соат
<i>Ўқув машғулотини шакли ва тури</i>	Назарий маълумотларни беришга мўлжалланган ҳамда амалий йўналтирилган – билим, кўникма ва малакаларни шакллантиришга қаратилган ўқув машғулотини
<i>Маълум бўлишча назарий маълумот</i>	<ol style="list-style-type: none"> 1. Биотехнология ҳақида тушунча. 2. Ген ва хужайра инженериясига асосланган биотехнология. 3. Ўзбекистонда генетик инженерия ва биотехнология соҳасида қилинаётган тадқиқотлар ва олинган натижалар 4. Биотехнологиянинг келажаги ҳақида. 5. Ўқув лойиҳага кириш ва режалаш.
<i>Ўқув машғулотининг мақсади:</i> Ген ва хужайра инженериясига асосланган биотехнология, Ўзбекистонда генетик инженерия ва биотехнология соҳасида қилинаётган тадқиқотлар ва олинган натижалар ҳамда биотехнологиянинг келажаги ҳақида мустақил ишодий изланишни олиб бориш ва билимларни излаб топиш, уларни янги ҳолатларда қўллаш малака ва кўникмаларини шакллантириш	
<i>Педагогик вазифалар:</i>	<i>Ўқув фаолиятининг натижалари:</i>
1. Биотехнологиянинг мақсад ва вазифаларини, ҳамда ген ва хужайра инженериясига асосланган биотехнологиянинг мазмун моҳиятини ёритиб бериш	Биотехнологиянинг мақсад ва вазифаларини айтиб беради ген ва хужайра инженериясига асосланган биотехнологиянинг мазмунини очиб беради
2. Ўзбекистонда генетик инженерия ва биотехнология соҳасида қилинаётган тадқиқотлар ва олинган натижалар билан таништириш	Ўзбекистонда генетик инженерия ва биотехнология соҳасида қилинаётган тадқиқотлар ва олинган натижаларни санаб беради
3. Биотехнологиянинг келажакдаги истиқболини ёритиб беради	Биотехнологиянинг келажакдаги истиқболини айтиб беради
<i>Ўқитиш методлари</i>	Ахборотли маъруза, баҳс-мунозара, суҳбат, лойиҳалаштириш усули, матн ва ахборот манбалари билан ишлаш
<i>Ўқитиш воситалари</i>	Мавзу матни, тарқатма материаллар

	слайдлар, проектор, Б. Б. Б. ва лойиҳа топшириғи, услубий кўрсатмалар
<i>Ўқув фаолиятини таъкид этиш шакллари</i>	Оммавий, жамоавий, гуруҳли, алоҳида
<i>Ўқитиш шарт-шароити</i>	Техник воситалар билан таъминланган аудитория
<i>Қайтар алоқанинг усул ва воситалари</i>	Озғани назорат: савол-жавоб тезкор сўров, кузатув, баҳо тизими асосида баҳолаш

11.2. Ўқув машғулотнинг технологик картаси

Фаолият босқичлари ва вақти	Фаолият мазмуни	
	Ўқитувчи	Ўқувчилар
1-босқич. Мавзуга кириш (10дақ.)	Таъкидлий бошланғи. 1.1. Ўқувчилар давомати ва дарсга тайёргарлигини текширади. 1.2. Маърузанинг мавзусини эълон қилади, ўқув машғулотининг мақсади ва натижаларини тушунтиради. 1.3. Мавзу бўйича маъруза машғулотининг таянч иборалари ва маъруза режасига изох беради ва ёзиб олишларини айтади.	Диккат қиладилар, ёзадилар.
2-босқич. Асосий (30дақ.)	Ўқувчилар билимини фаоллаштириш. 2.1. Мавзу бўйича ўқувчиларга суҳбат асосида таъкидлаштирувчи саволлар бериб, ўқувчилар фикрларини фаоллаштиради. Тўғри жавобларни маъқуллайди, нотўғри ёки тўлиқ бўлмаганларни шархлайди, аниқлайди. Нотўғри жавоб берган ўқувчининг ўзига хатосини топишни таклиф қилади. Агар топа олмаса, бошқа ўқувчиларни ёрдамга чақиради. Янги ўқув материал баёни. 2.2. Экранга таянч ибора ва тушунчаларини чиқаради. Ўқувчиларга Б.Б.Б. жадвалини таркатади. Таянч ибораларнинг тартиб рақамларидан фойдаланилган ҳолда Б.Б.Б. жадвалининг	Саволларни диккат билан тинглайдилар, жавоб берадилар, ўзгалар жавобларини таҳлил қиладилар, ўзгаларининг шахсий мулоҳазаларини айтадилар. Б.Б.Б. жадвалини 1 ва 2 устунларини тўлдирди. Тинглайдилар.

	<p>тўлдиришни сўрайди.</p> <p>2.3.Б.Б.Б. жадвалини қай даражада тўлдирилганликлари билиш учун тезкор сўров ўтказди, шу тарика ўқувчилар мавзунини қай даражада билишини аниқлайди.</p> <p>2.4. Ўқув машғулотининг биринчи ва иккинчи саволлари бўйича маъруза қилади. Биотехнология тушунчасига таъриф беради унинг мақсад ва вазибаларини тушунтиради, биотехнология соҳасида қилинаётган тадқиқотлар моҳиятини слайдлар орқали таҳлил қилади. Ўқувчиларни баҳс-мунозарага тортиш мақсадида уларга жонлантирувчи саволлар беради:</p> <p>1. «Биотехнология» тушунчасини изоҳланг.</p> <p>2.«Хужайра инженерияси» деган тушунчанинг моҳияти нимада?</p> <p>3.Агар имкон ва эҳтиёж бўлса, қандай хужайралардан гибридома олган бўлар эдингиз? Изоҳланг. Ўқувчиларнинг фикрларини тинглаб биринчи масалани умумлаштиради.</p> <p>2.5«Биотехнология» фанидан тайёрланган электрон дарсликдан фойдаланган ҳолда, маърузанинг учинчи ва тўртинчи саволларини тушунтиради. Инсон эҳтиёжларининг ўсиши ва биотехнологиянинг келажакдаги истиқболини ёритиб беради.</p> <p>2.6. Мавзунини қай даражада ўзлаштирилганликлари аниқлаш мақсадида Б.Б.Б жадвалининг учинчи устунини тўлдиришни талаб қилади. Мавзунини мустақамлаб, умумлаштиради.</p>	<p>Муҳокама қиладилар. Саволлар билан муурожаат қилади.</p> <p>Жавоб берадилар.</p> <p>Саволларни муҳокама қилиб, уларга жавоб берадилар. Тинглайдилар.</p> <p>Тинглайдилар, Ёзадилар.</p> <p>Жавоб берадилар, БББ жадвалининг 3 устунини тўлдирадидилар. Савол берадилар.</p>
<p>3-босқич. Яқуний босқич (40 дақ.)</p>	<p>3.1.Мавзунини умумлаштиради, умумий хулосалар қилади, яқун ясади, саволларга жавоб беради. Фаол ўқувчиларни баҳолаш мезони</p>	<p>Диққат қиладилар, Савол берадилар.</p>

<p>оркали рағбаглантиради.</p> <p>3.2. Ўқувчиларга мустакил ишлаш учун ўқув лойиҳа топширигини беради. Ўқувчиларга лойиҳанинг мақсад ва унинг вазифаларини ифодалаш бўйича мунозара уюштиради. Унинг кутиладиган натижаси – маҳсулот ва унинг тахминий фойдаланувчиларини ифодалайди.</p> <p>3.3. Лойиҳа фаолияти мазмуни билан таништиради.</p> <p>3.4. Лойиҳа мавзуларини таклиф қилади гуруҳларга ажратади ва лойиҳа мавзусини танлашни таклиф қилади (1-илова).</p> <p>3.5. Сухбат оркали муаммони ўртага қўяди: муаммоли вазиятни баён қилади ва ўқувчиларни зиддиятларни аниклаш ҳамда уларни ҳал қилиш зарурлигини билишга, муаммони ва лойиҳа мавзусини ифодалашга ундайдиган саволлар беради.</p> <p>3.6. Лойиҳа топширигини қўяди. Топшириқлар билан таништиради, муаммоларнинг ечимини топишга ёрдам беради. Ахборот манбалари, уни йиғиш ва таҳлил этиш усулларини тавсия қилади. Лойиҳа фаолияти натижалари ва умуман жараёни баҳолаш русумлари ва мезонлари билан таништиради.</p> <p>3.7. Ўқувчиларнинг лойиҳа устида ишлаш шаклини танлашнинг ташкил қилади. Лойиҳа гуруҳлари шакллантиришини уюштиради.</p> <p>3.8. Гуруҳ иши учун топширик беради (2-илова), гуруҳда ишлаш қондаларини эслатади:</p> <ul style="list-style-type: none"> - лойиҳадаги вазифалар ва фаолият турларини ажратиш, уларни катнашчилар ўртасида тақсимлаш (гуруҳли лойиҳада); - лойиҳа фаолияти алгоритминини 	<p>Вазифани ёзиб оладилар. Саволларга жавоб беришади;</p> <p>Мавзунини танлаш ҳақида умумий қарорни муҳокама этишадилар ва қабул қилишади.</p> <p>Гуруҳларга бирлашишади.</p> <p>Муаммо ва лойиҳа мавзуси билан танишади. Лойиҳа мақсади ва унинг вазифаларини ифодалашади.</p> <p>Саволларга жавоб берадилар. Муаммо билан яқиндан танишади. зиддиятни аниқлашади, уларни ҳал қилиш зарурлигини билишади. Лойиҳа натижаси – маҳсулот ва унинг тахминий фойдаланувчиларини белгилашади, танишадилар. Лойиҳа топшириги билан танишишади. Саволлар беришади. Баҳолаш мезонлари билан танишади.</p> <p>Лойиҳа устида ишлаш шаклини танлашади.</p> <p>Гуруҳларга бирлашишади. Лойиҳа фаолиятини лойиҳалаштириш ва режалаштириш бўйича гуруҳлардаги ишни ташкил этишади: лойиҳани бажариш</p>
--	--

<p>ишлаб чиқиш; - лойиҳа вазифаларини бажариш, унинг натижаларини ифодалаш ва тақдимот усуллари ва воситаларини танлаш; - ишчи режасини тузиш. 3.9 Лойиҳа топшириги устидаги ишнинг асосий натижаларини белгилаш ва лойиҳа фаолиятини режалаштириш бўйича хулоса чиқаради. Ўқувчилар эътиборини лойиҳа ишлари мазмунига ва лойиҳанинг ижро босқичида уларни бажариш графигига каратади. Саволларга жавоб беради. Ўқувчиларни лойиҳа билан ишлашга йўриқнома беради. Ҳар бир гуруҳ лойиҳани амалга ошириш жараёнида муаммо турини аниқлаб, унинг келиб чиқиш сабаблари ва уни бартараф этиш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш ва гуруҳ томонидан ишлаб чиқилган дастур тузишади</p>	<p>йўналишлари ва босқичларини белгилашади, гуруҳ аъзолари ўртасидаги вазифаларни тақсимлашади, ҳамкорлик шаклларини белгилашади, лойиҳа вазифаларини бажариш, унинг натижаларини ифодалаш ва тақдимот усуллари ва воситаларини танлашади. Лойиҳа ишларининг ишчи режасини вазифалар, уларни бажариш муддатлари, тайёр маҳсулот турини ва масъуларни кўрсатиб дастур тузишади</p>
---	---

1-илова

Лойиҳа мавзулари

- Замонавий биотехнология ҳозирги кунда Ўзбекистонда.
- Биотехнология кўп соҳали фан.
- Агрономия ген инженерияси.
- Тиббиёт ген инженерияси.
- Ветеринария ген инженерияси.
- Экологияни асровчи трансген ўсимлик олиш биотехнологияси.
- Вакцина ишлаб чиқариш биотехнологияси.
- Ядро кўчириб ўтказиш биотехнологияси.
- Гибридома олиш биотехнологияси

Лойиха топширигини бажариш бўйича ўқувчилар учун услубий кўрсатмалар

Лойиха фаолиятини босқичма-босқич бажариш учун йўриқнома

- Гуруҳ сардорини танланг.
- Диккат билан лойиха топшириги билан танишинг.
- Маълумотнома тузилишини аниқланг.
- Иштирокчилар ўртасида лойихани ишлаб чиқиш бўйича ҳамда уни расмийлаштириш, тақдимотга ва ҳисоботга тайрлаш бўйича вазифалар ва фаолият турларини тақсимланг.

5.Иш режасини тузинг.

Лойихани бажариш бўйича иш режаси

Иштирокчилар Ф.И	Вазифа, фаолият тури	Иш мазмуни	Тайёр маҳсул тури	Бажариш муддати

6. Ахборот манбаларини аниқланг, ахборотни йиғинг вап уни матн, жадвал, чизма ҳамда шархлаш кўринишида расмийлаштиринг (Диккат! Ушбу вазифани барча гуруҳ иштирокчилари бажаради.)

7.Натижаларни маълумотнома кўринишида материалларни расмийлаштиринг. (1-ўқувчи)

8. Ҳисоботни тайёрлаш йўриқномаси бўйича, ҳисоботни тайёрланг. (2-ўқувчи)

9. Лойихани microsoft Power Point бўйича тайёрлаш йўриқномасидан фойдаланиб, тақдимотга тайёрланг.(2-ўқувчи)

10. Лойихада тақдимотида гуруҳ аъзолари ўртасидаги вазифаларни аниқланг. Озгаки тақдимотга тайёргарлик вақтида унинг қоидаларига риоя қилинг, озгаки тақдимот сирларини эсдан чиқарманг.

11. Ўзбекистонда генетик инженерия ва биотехнология фан ютуқлари, ҳамда биотехнологиянинг келажаги ҳақида ахборотларни тўплаш бўйича чора-тадбирларни ишлаб чиқинг.

№	Тадбирнинг мазмуни	Муддати	Ўтказиш жойи	Тадбирга маъсул	Ижро механизми (шакл, усул, восита)	Қўтилаётган натижа
2.						
3.						
4.						
5.						
6.						

13-мавзу	Ч.Дарвиннинг таржимаи холи. Ч. Дарвиннинг Эволюцион назариясининг кискача мазмуни. Сунъий танлаш, унинг шакллари
----------	--

13.1. Ўқув машгулотининг ўқитиш технологияси модели.

<i>Ўқувчилар сони: 30</i>	<i>Вақти: 2 соат</i>
<i>Ўқув машгулоти шакли ва тури</i>	Амалий - билимларни мустаҳкамлаш ва кўникма ва малакаларни шакллантириш бўйича ўқув лойиҳа машгулоти.
<i>Ўқув машгулот режаси ва ўқув лойиҳа тақдимотини режалаштириш</i>	<p>I. Назарий қисми:</p> <p>1. Ч. Дарвиннинг таржимаи холи, «Бигль» кемасида дунё бўйлаб сафари. Асосий асарлари.</p> <p>2. Ч. Дарвиннинг Эволюцион назариясининг кискача мазмуни.</p> <p>3. Маданий ўсимликлар, хонакилаштирилган хайвонларнинг хилма хиллиги, келиб чиқиши. Сунъий танлаш, унинг шакллари.</p> <p>II. Кичик гуруҳларда ўқув лойиҳа фаолиятининг тақдими:</p> <p>1. Лойиҳа тақдими.</p> <p>2. Тақдимот муҳокамаси</p> <p>3. Яқуний хулоса</p>
<i>Ўқув машгулотининг мақсади:</i>	<p>I. Органик оламнинг эволюцион назарияси тўғрисида Дарвин таълимотининг концепцияси ва сунъий танлаш тушунчаларини шакллантириш.</p> <p>II. Ген ва хужайра инженериясига асосланган биотехнология соҳасида қилинаётган тадқиқотлар ўқув материали бўйича олган билимларни чуқурлаштириш ҳамда кўникма ва малакаларни шакллантириш.</p>
<i>Педагогик вазифалар:</i>	<i>Ўқув фаолияти натижалари:</i>
<p>1. Органик оламнинг эволюцион назарияси тўғрисида Дарвин таълимотининг концепцияси ва сунъий танлаш, унинг шакллари билан таништиради ва топшириқ беради</p> <p>2. Лойиҳа тақдимотига кўрсатма беради.</p> <p>3. Тақдимот муҳокамасини шакллантиради.</p> <p>4. Лойиҳа фаолиятининг асосий натижаларини аниқлашга йўналтиради</p>	<p>Органик оламнинг эволюцион назарияси тўғрисида Дарвин таълимотининг концепцияси ва сунъий танлаш, унинг шакллари билан танишадилар ва топшириқни ёзиб оладилар.</p> <p>Лойиҳа тақдимотига берилган кўрсатмага амал қиладилар.</p> <p>Тақдимот муҳокамасида катнашадилар</p> <p>Лойиҳа фаолиятининг асосий натижаларини баҳолашади</p>
<i>Ўқитиш методлари</i>	Лойиҳалаштириш усули, матн ва

	ахборот манбалари билан ишлаш намойиш
<i>Ўқитиш воситалари</i>	Инсерт жадвали, лойиҳа топшириги, услубий кўрсатмалар, компьютер технологиялари, слайдлар, проектор.
<i>Ўқув фаолиятини ташкил этиш шакллари</i>	оммавий, жамоавий, гуруҳли, алоқив
<i>Ўқитиш шарт-шароити</i>	Техник воситалар билан таъминланган аудитория
<i>Қайтар алоқанинг усул ва воситалари</i>	Огзаки назорат: савол-жавоб, кичик гуруҳлар тақдими, баҳо тизими асосида баҳолаш

13.2 Ўқув машғулотнинг технологик картаси

Фаолият босқич- лари ва вакти	Фаолият мазмуни	
	Ўқитувчи	Ўқувчилар
1-босқич. Мавзуга кириш (10дақ.)	Ташкилий бошланиш. 1.1. Ўқувчилар давомати ва дарсга тайёргарлигини текширади. 1.2. Машғулотнинг назарий қисмда кўриладиган мавзусининг режаси билан таништиради ва режа асосида инсерт техникасидан фойдаланиб мустақил ўқиш топширигини беради ва ёзиб олишларини айтади. 1.3. Лойиҳалар тақдимига кўрсатмалар беради: тақдимот коңдалари билан таништиради (1-илова), гуруҳларнинг бajarилган лойиҳаларни тақдим этиш регламентини белгилайди, баҳолаш мезонлари билан таништиради.	Диккат киладилар, ёзиб оладилар.
2-босқич. Асосий (60дақ.)	Кичик гуруҳлар томонидан ўқув лойиҳа фаолиятининг тақдими. 2.1. Тақдимот бошланишини эълон килади. 2.2. Хар бир кичик гуруҳга тақдимот яқунлари бўйича катнашувчиларнинг бajarган ишига қараб саволлар беради, қувватлайди, рағбатлантиради. 2.3. Гуруҳларнинг лойиҳа тақдимотини муҳокамаси ва ўзаро баҳолашни улоштиради. 2.4. Ўқувчилар билан бирга лойиҳа иш	Гуруҳлар иш натижаларини баён этадилар, уларни белгиланган шаклда тақдим этади, саволларга жавоб берадилар Жамоа бўлиб муҳокама киладилар Тақдимот,

	жараёни ва якунларини муҳокама қилади, ўқувчиларнинг ютуқ ва камчиликларини айтгади.	олинган маҳсулот ва лойиҳа фаолияти натижаларини баҳолайдилар. Тинглайдилар
3-босқич Акуний босқич (10 дақ.)	<i>Яқунлаш.</i> 3.1. Лойиҳа фаолиятининг асосий натижаларини аниқлаш бўйича хулоса қилади, гуруҳлар фаолияти, лойиҳа тўшириги устидаги индивидуал иш натижаларига баҳо бериб ўзаро баҳолашга яқун ясайди. 3.2. Лойиҳали таълим мақсадига эришиш даражасини таҳлил қилади, саволларга жавоб беради.	Натижалар, жараён, ўзининг ундаги иштирокчини бошқалар баҳоларини ҳисобга олиб ўзи баҳолайди Гуруҳлар тақдироти бўйича ўзини кизиктирган саволларни беради.

1-илова

Тақдимот қондаш

1. Чикиш регламентига риоя қилиш.
2. Чикиш навбатига риоя қилиш.
3. гуруҳ аъзолари ўртасида вазифаларни аниқ тақсимлаш ва улар хатти-ҳаракатида келишувга эришиш:
 - маълумотлар график кўринишида (схема, жадвал, график) тақдим этилиши лозим бўлади;
 - ҳар қандай график кўринишидаги маълумот шарҳланиши талаб этилади

Тақдимотда нималарга йўл қўйилмайди:

1. Ҳолатни тасвирлаш ва уни қайта сўзлаб бериш.
2. Иштирокчиларнинг сўзга чикишларидаги қарама-қаршиликлар.
3. Тушунарсиз, ноаниқ, ўринсиз иборалар ишлатилмайди.

PEDAGOGIK ANNOTATSIYA

Fanning nomi: “O‘zbekiston davlati va huquqi tarixi”.

Mavzuning nomi: “Amir Temur davlatida boshqaruv tizimi”

Ishtirokchilar: kollejning “Xo‘jalik masalalari huquqshinosi” yo‘nalishi, 2-kurs o‘quvchilari.

O‘qitishning maqsadi: o‘quv fanidan egallangan bilimlarni chuqurlashtirish maqsadida tarixda A.Temurning davlat boshqaruvi tizimini chuqurroq o‘rganish va hozirgi davrdagi davlat boshqaruvi bilan bog‘liq farqlar bilib olish muammolarini bartaraf etish bilan bog‘liq malaka ko‘nikmalarni shakllantirish.

Rejalashtirilayotgan o‘quv natijalari: A.Temur davridagi davlat boshqaruv hozirgi davr uchun nechog‘lik zarurligini anglab yetadi, har qanday salbiy boshqaruv usullarini boshqaruv tizimidagi kamchiliklarni salbiy oqibatlatlarni keltirib chiqarishini ajrata oladi, tarixdagi davlat boshqaruviga oid ko‘nikmalariga ega bo‘ladi.

Loyihalashtirish faoliyati bo‘yicha quyidagi amaliy ko‘nikmalarga ega bo‘ladi: muammoni shakllantirish va vazifalarni aniqlash; vazifalarni amalga oshirishdagi usullarni tanlash va ulardan foydalanish; o‘z faoliyatini rejalashtirish; ma‘lumot manbalarini aniqlash, tizimga keltirish va tahlil etish; natijalarni talab rajasida rasmiylashtirish va kerakli ko‘rinishda taqdim etish.

Quyidagi ko‘nikmalarga ega bo‘lishlari kerak: A.Temur davlati va uning boshqaruv tizimi mazkur boshqaruv tizimining ijobiy va salbiy yutuqlarini bilishi va shu ma‘lumotlarga oid hujjatlarni yig‘ish, qayta ishlash va taqdim etish; davlat boshqaruvi dagi salbiy oqibatlatlarni oldini olishda aks ettiriluvchi ma‘lumotlarni tahlil etish; guruhda faoliyat yuritish, hamkorlikda o‘qish tartib va qoidalari.

Turlanish belgilari bo‘yicha loyihaga tavsif: turi amaliy; predmet va mazmun jihatdan ko‘lami bir bob bo‘yicha foydalaniluvchi monoloyiha; o‘quvchilar o‘quv loyiha faoliyatlarini muvofiqlashtirish xarakteri bevosita; ishtirokchilar soni 5 tadan 8 tagacha ishtirokchi bo‘lishi mumkin; bajarish muddati o‘rta muddatli – 1-oy.

Loyihani bajarish tartibi: o‘quvchilarning auditoriyadan tashqari mustaqil faoliyatlarida bajariladi, amaliy mashg‘ulotda taqdim etib boriladi. Loyiha mahsuli o‘quvchilar va pedagog o‘rtasida belgilangan kunda amalga oshiriladi.

Loyihaning baholanishi – ishchi guruhlar tomonidan bajarilgan loyiha quyidagicha baholanadi (guruhning har bir a‘zosi uchun): o‘quvchilar tomonidan bajarilgan loyihaning alohida qismlari (maks. ball – 8); hisobot (maks. ball – 2); loyiha taqdimoti va himoya etish jarayoni (maks.ball– 5).

Loyiha asosida o‘qitish bosqichlari

Tayyorlov bosqichi: loyiha bilan tanishish; auditoriyadagi mashg‘ulot vaqtida o‘quvchilar faoliyatini tashkil etish.

Loyihani bajarish bosqichlari: auditoriyadan tashqari faoliyat davrida.

Yakuniy bosqich: loyiha taqdimoti, loyiha va auditoriya mashg'ulotida uchilarning loyihalashtirish faoliyatini baholash.

Loyiha asosida o'qitishni boshqarish: auditoriyadan tashqari faoliyatda.

Ta'lim modelining qisqacha tavsifnomasi

Loyiha asosida o'qitish jarayonida quyidagilar qo'llaniladi:

o'qitish usullari: loyihalashtirish usuli, matn va axborot manbalari bilan ishlash, taqdimot;

o'qitish shakllari: ommaviy, alohida, guruhiy;

o'qitish vositalari: loyiha topshirig'i, uslubiy ko'rsatmalar, kompyuter texnologiyalari.

O'QUV LOYIHA:

"AMIR TEMUR DAVLATIDA BOSHQARUV TIZIMI"

I. Loyiha topshirig'i

Kirish. Davlatchiligimiz tarixiga nazar tashlasak Amir Temur davlat boshqaruvi sohasida juda ko'p o'zgarishlarni qildi. U o'zining Temur tuzuklari asarida davlat boshqaruvi to'g'risida batfsil to'xtalgan. A. Temur tarixi bilan bog'liq barcha ma'lumotlarni o'rganib chiqib ularni tahlil qilish va kerak bo'lsa u yuritgan siyosatni zamonaga mos ruhda qo'llash mumkin.

Biroq A. Temur davridagi davlat boshqaruv tizimi va hozirgi kundagi jarayonlarni solishtirsak kamchiliklar borligini sezamiz. Ular qilish to'g'risida tahliliy, qisqa axborotli hamda taqqoslovchi xususiyatlarga ega bo'lgan yaxlit ma'lumotlar yetarlicha emas.

Loyiha doirasida yechilishi kerak bo'lgan muammo: o'qituvchi va o'quvchilarni A. Temur davlatida boshqaruv tizimini o'rganish to'g'risidagi tahliliy, qisqa axborotli hamda taqqoslovchi xususiyatlarga ega bo'lgan ma'lumotlar bilan ta'minlashdan iborat.

Loyihaning maqsadi (nima uchun yaratiladi): A. Temur davlatida boshqaruv tizimini o'rganish bo'yicha ma'lumotni ishlab chiqish.

Yakuniy natija: A. Temur davlatida boshqaruv tizimini o'rganish to'g'risidagi tuzilmaviy axborotni o'z ichiga oluvchi, ma'lumotnoma

Loyihadan foydalanuvchilar: o'qituvchi, o'quvchi va aholi.

Loyiha doirasi:

• bajarilish muddati: semestr davomida (yakuniy nazoratdan oldin taqdimot qilinadi);

• ishtirokchilar soni: guruh o'quvchilari 3 ta ishchi guruhga bo'linib, har bir ishchi guruhda 5 tadan 8 tagacha ishtirokchi bo'lishi mumkin.

Loyiha guruhi itirokchilarining vazifalari vafaoliyat turlari:

I. Axborot yig'ish: quyidagi mavzular bo'yicha

- A. Temur davlatining tashkil topishi.

- A. Temur davlatining ijtimoiy tuzumining asosiy belgilari.

- A. Temur davlatining markaziy hokimiyati va boshqaruv organlari.

- A. Temur davlatining harbiy-boshqaruv tizimi.

- A. Temur davlatida sud va politsiya hokimiyatining tashkil etilishi.

2. Ma'lumotnomani rasmiylashtirish.
 3. Loyiha faoliyati natijalari to'g'risida hisobot tayyorlash.
